

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ

ДАВЛЕТМУРАТОВ СУЛТАН РУЗИМОВИЧ

**ТАЙЁРГАРЛИК ДАВРИНИНГ ТУРЛИ БОСҚИЧЛАРИДА МАЛАКАЛИ
ФУТБОЛЧИЛАРНИНГ МАШҒУЛОТ ЮКЛАМАЛАРИНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**13.00.04 – Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва
методикаси**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2018

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Давлетмуратов Султан Рузимович

Тайёргарлик даврининг турли босқичларида малакали футболчиларнинг
машғулоти юктамаларини оптималлаштириш.....3

Давлетмуратов Султан Рузимович

Оптимизация тренировочных нагрузок квалифицированных футболистов на
различных этапах подготовительного периода.....27

Davletmuratov Sultan Ruzimovich

Optimization of training loads of qualified football players on various stages of
preparatory period51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....55

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ

ДАВЛЕТМУРАТОВ СУЛТАН РУЗИМОВИЧ

**ТАЙЁРГАРЛИК ДАВРИНИНГ ТУРЛИ БОСҚИЧЛАРИДА МАЛАКАЛИ
ФУТБОЛЧИЛАРНИНГ МАШҒУЛОТ ЮКЛАМАЛАРИНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**13.00.04 – Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва
методикаси**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Ped291 рақам билан рўйхатга олинган

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг www.uz-djti.uz ҳамда “ZiyoNet” ахборот-таълим портали манзилларига жойлаштирилган

Илмий раҳбар:

Нуримов Раҳмонберди Игамбердиевич
педагогика фанлари номзоди, профессор

Расмий оппонентлар:

Кошбахтиев Илдар Аҳмедович
педагогика фанлари доктори, профессор

Набиев Тимур Эрикович
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Ped.28.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил “___” “_____” соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй. Тел.: (0-370) 717-17-79, 717-27-27, факс.:(0-370) 717-17-76, Веб-сайт: www.uz-djti.uz, e-mail: uzdjti@uzdjti.uz. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти маъмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй. Тел.: (0-370) 717-17-79, 717-27-27, факс.:(0-370) 717-17-76, Веб-сайт: www.uz-djti.uz, e-mail: uzdjti@uzdjti.uz. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти маъмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали).

Диссертация автореферати 2018 йил “___” _____ кuni тарқатилган.
(2018 йил “___” _____даги ___ рақамли реестр баённомаси)

Р.Д.Халмухамедов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

С.С.Тажибоев

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби, п.ф.б.ф.д., доцент

Т.С.Усмонходжаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа фанлари доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда футбол жаҳон миқёсидаги оддий спорт ўйини эмас. У улкан ижтимоий аҳамият касб этди. Олий спорт даражасидаги мусобақалар натижалари омманинг нафақат кайфиятига, балки инсонларнинг меҳнат фаолиятига бевосита таъсир қилади, миллатлар ва давлатлар мавқеига дахлдор бўлади. Чамаси, айнан шу сабабли спорт сўнгги йилларда давлат арбоблари, тадқиқотчилар ва илмий ходимлар диққатини ўзига янада кўпроқ тортмоқда. Ҳозирги пайтда спорт соҳасида илмий тадқиқотлар анча кенгайди. Турли йўналишларда футболчилар тайёрлаш услубияти, спорт педагогикаси, психология, морфология ва биохимия, физиология ва биомеханика, спорт тиббиёти соҳаларида жуда бой амалий ва назарий материаллар тўпланган.

Турли мамлакатларда, айниқса футбол ўта ривожланган давлатларда юқори малакали футболчиларни тайёрлаш борасида катта тажриба орттирилган. Мураббийларнинг илмий ходимлар билан ҳамкорликдаги ижодий меҳнати спорт маҳоратининг турли томонларига нисбатан эътиборга молик хусусий ёндашувларнинг яратилишига олиб келди. Уларга турли жисмоний сифатларни ривожлантириш, техник ва тактик тайёргарликка доир ишлар қиради. Айни пайтда машғулот, микроцикллар, босқичлар, даврлар каби машғулот жараёнининг муҳим аҳамиятга эга тузилмавий таркиблари жуда кам ёритилган. Тайёргарлик даврининг турли босқичларида футболчилар машғулотларига тааллуқли бўлган тадқиқот ишлари биз томонимиздан кўриб чиқилган хорижий адабиётларда учрамади.

Республикамизда халқаро талаблар ва стандартлар асосида миллий терма жамоалар ва профессионал футбол клубларини тайёрлаш учун самарали тизим яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда¹. Ўзбекистонда футбол назарияси ва услубияти, футболчиларнинг турли жисмоний сифатлари ҳамда техник-тактик маҳоратларини такомиллаштириш йўналишлари бўйича етарлича тадқиқотлар бажарилган. Бироқ бир қатор масалалар хануз етарли даражада тадқиқ қилинмаган. Мамлакатимизда ҳамда хорижда эълон қилинган ишларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, футболда олий спорт маҳорати даражасида бажарилган аксарият тадқиқотлар хусусий масалаларни ўрганишга бағишланган, тайёргарликни бошқаришнинг методологик жиҳатлари тадқиқ қилинганлигича қолмоқда. Уларга тайёргарлик даврининг турли босқичларида футболчиларнинг машғулот юкламаларини меъёрлашга тааллуқли масалалар қиради. Зеро кўпгина мутахассислар ушбу даврнинг жамоалар тайёргарлигида муҳим эканлигини эътироф этадилар. Юқорида келтирилган барча далиллар тадқиқ қиланаётган муаммонинг ҳам узоқ ва яқин хориж давлатларида, ҳам Ўзбекистонда етарлича ўрганиб чиқилмаганлиги ва унинг, шубҳасиз, долзарблигидан далолат беради.

2015 йил 4 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги ЎРҚ-394-сонли Қонуни, Ўзбекистон Республикаси

¹. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 16 мартдаги “Футболни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3610-сонли Қарори.

Президентининг ташаббуси ва қўллаб-қувватлаши билан “Ўзбекистонда 2017-2021 йиллар учун жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш дастури” тасдиқланди. Мазкур ўта муҳим ҳужжатлар, шунингдек, Президентнинг 2017 йил 9 мартдаги “Ўзбекистон спортчиларини 2020 йилда Токио шаҳрида (Япония) ўтказиладиган XXXII Олимпия ўйинлари ва Паралимпия ўйинларига тайёрлаш ҳақида”ги ПФ-2821-сонли Фармони, 2018 йил 5 мартдаги “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5368-сонли Фармони ҳамда бу соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг: I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Махсус илмий адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, спортда даврлаштириш масалалари кўп йиллардан бери ўрганиб келинади (Ю.В.Верхошанский, М.А.Годик, Л.П.Матвеев, Н.Г.Озолин, В.Н.Платонов)². Лекин, шунга қарамай, бу масала ҳозирги пайтда спорт машғулотлари назарияси ва методикасининг муҳим муаммоларидан бирига айланди. Бундай вазиятнинг юзага келиши сабабларидан бири – бу спорт машғулотларини даврларга бўлиш тизими ва илғор спорт амалиёти ўртасида зиддият пайдо бўлганидир. Йиллик циклда деярли бир йилни қамраб олувчи юқори миқёсдаги мусобақалар сонининг кескин ошиши тайёргарлик даври давомийлигининг анча қисқариб кетишига олиб келди. Шу сабабли мураббийлар тайёргарликни жадаллаштиришга мажбур бўлмоқдалар, унинг оқибатлари эса мусобақа натижаларига таъсир қилмоқда. Бундай ҳолатни футболда ҳам кузатмоқдамиз. Шунинг учун, спортчиларнинг йиллик тайёргарлик тузилмасида сифатли тайёргарлик даврининг бўлиши жуда зарур. Сўнгги йилларда тайёргарлик даврига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги табиийдир. Яқин ҳориж давлатларида ушбу муаммога бағишланган тадқиқотлар жуда камчиликни ташкил этади ва улар асосан А.А.Кирилов, К.С.Лалаков, А.В.Леклахов³

² Верхошанский Ю.В. Актуальные проблемы современной теории и методики спортивной тренировки//Теория и практика физической культуры. -Москва, 1993. -№8.-С.21-27.; Годик М.А. Физическая подготовка футболистов. – М.: Терра-Спорт, Олимпия Пресс, 2006. –272 с.; Матвеев Л.П. Проблемы периодизации спортивной тренировки. – М.: ФиС, 1964. -247 с.; Озолин Н.Г. Настольная книга тренера. Наука побеждать, профессия – тренер. – М.: АСТ, Арстель, 2002. -850с.; Платонов В.Н. Система подготовки спортсменов в олимпийском спорте. Общая теория и ее практические приложения. – К.: Олимпийская литература, 2004. – 808с.

³ Кирилов А.А. Содержание тренировки в подготовительном периоде у футболистов высокой квалификации: Метод. рекомендации.-М., 1982.-35 с.; Лалаков Г.С. Структура и содержание тренировочных нагрузок на разных этапах многолетней подготовки футболистов.: Автореф.дис....д-ра. пед.наук.-Омск,1999.-54с.; Леклахов А.В. Планирование силовой подготовки в структуре нагрузок подготовительного периода футболистов групп спортивного совершенствования.: Автореф.дис....канд.пед.наук. – М.: РГИФК, 1999.-24 с

ишларида акс этган. Бироқ уларда хусусий масалалар ҳал этилган бўлиб, даврнинг турли босқичларида ва микроциклларида ўқув-машғулотларни тузиш бўйича аниқ тавсиялар мавжуд эмас. А.М.Барамидзе⁴ иши диққатга сазовор бўлиб, унда жамоаларнинг мавсумолди тайёргарлигини тузиш бўйича тавсиялар берилган. Шунингдек Европа кубок турнирлари ва мамлакат чемпионатидаги вазифаларни ҳал этишга эътибор қаратилган. Айни пайтда тайёргарлик даври машғулот жараёнининг муҳим таркибий қисмлари – юкламаларнинг ихтисослашганлиги, координацион мураккаблиги ва уларнинг босқичлардаги катталикларининг нисбатлари очиқ берилмаган.

Хусусан, Ўзбекистонда малакали футболчилар тайёргарлик даврининг босқичларида юкламанинг катталиги, йўналиши, ихтисослашганлиги ва координацион мураккаблиги турли хил бўлган юкламалар нисбатлари динамикаси масалаларини ўрганишга бағишланган тадқиқот ишлари топилмаганлиги мазкур муаммонинг кам ўрганилганлигини кўрсатади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг 2016-2019 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида “Жисмоний тарбия ва спортнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш, уни янгилаш тактикаси ва стратегияси” йўналиши бўйича бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тайёргарлик даври босқичларида турли йўналишдаги машғулот юкламаларини меъёрлаш асосида малакали футболчиларнинг машғулот жараёни самарадорлигини ошириш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

малакали футболчиларнинг машғулот юкламалари параметрларини назорат қилишнинг ахборотли кўрсаткичларини аниқлаш;

тайёргарлик даврининг турли босқичларида машғулот юкламалари параметрлари динамикасини ўрганиш;

машғулот юкламалари оптимал параметрларининг жисмоний тайёргарлик ҳамда техник-тактик ҳаракатларнинг самарадорлиги билан ўзаро боғлиқлигини тадқиқ қилиш;

тайёргарлик даврининг турли босқичлари ва микроцикллари учун машғулот жараёни дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда тажрибада асослаш.

Тадқиқотнинг объекти малакали футболчиларнинг тайёргарлик давридаги ўқув-машғулот жараёни.

Тадқиқотнинг предмети малакали футболчилар тайёргарлик даврининг турли босқичлари ва микроциклларида машғулот юкламаларининг тақсимланиши.

Тадқиқотнинг усуллари илмий-услубий адабиётлар таҳлили, амалий тажрибани умумлаштириш, анкета сўрови, педагогик кузатиш, инструментал услублар, педагогик тажриба, математик статистика услублари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

⁴ Барамидзе А.М. Построение тренировок в подготовительном периоде футболистов высокой квалификации.: Автореф.дис...канд.пед.наук. – М., 1990. – 23 с.

малакали футболчиларнинг машғулот юкламаларини назорат қилишнинг ахборотли кўрсаткичлари аниқланган;

тайёргарлик даври босқичларида малакали футболчилар машғулот юкламаларининг параметрлари тузилмаси аниқланган;

тайёргарлик даври босқичларида машғулот юкламаларининг катталиги, йўналиши ва ихтисослашганлиги бўйича нисбатлари аниқланган;

тайёргарлик даври машғулот юкламалари динамикасининг футболчилар жисмоний тайёргарлиги кўрсаткичлари ва ўйинлар жараёнидаги техник-тактик фаолияти самарадорлиги билан ўзаро боғлиқлиги аниқланган;

тайёргарлик даврининг турли босқичларида ўқув-машғулот жараёни самарадорлигини ошириш учун машғулот услублари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

турли йўналишдаги машғулот юкламаларини оптималлаштириш, тайёргарлик даврининг турли босқичлари учун воситалар ҳамда машғулот дастурларини ишлаб чиқиш асослаб берилди;

ахборотли назорат услубларидан фойдаланган ҳолда текширилган даврдаги ўқув-машғулотлар тузилмасини ўрганиш маълумотларига, шунингдек, футболчиларнинг жисмоний ҳолати ва мусобақа фаолияти динамикаси маълумотларига асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги билиш назарияси методологияси [билишнинг диалектик методи] ҳамда жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси соҳасидаги республикамиз ва чет эл олимлари, шунингдек, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган амалиётчи мураббийларнинг фикр-мулоҳазаларига асосланганлиги; тадқиқот вазифаларига мос келадиган ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги; таҳлил ва тадқиқот вазифасининг сон ва сифат жиҳатдан таъминланганлиги; тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил методлари ёрдамида қайта ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тажрибада олинган маълумотларга асосланиб, амалиётчи-тренерларга машғулотларни яхшилашга ва мазмунини очишда қуйидагилар ёрдам беради: аэроб, анаэроб, аралаш, анаэроб-алактат ва анаэроб-гликолитик йўналишдаги машғулот юкламаларининг оқилона нисбатлари; юкламалар катталигини баҳолаш усуллари; юкламалар параметрларини назорат қилиш ва футболчиларнинг жисмоний ҳамда техник-тактик ҳолати даражасини баҳолаш услублари; тайёргарлик даври босқичларининг ҳафталик машғулот микроцикллари режалари.

Тадқиқотнинг асосий назарий ҳолатларидан жисмоний тарбия институти талабалари ҳамда малака ошириш факультетлари тингловчилари, шунингдек, футбол бўйича республика мураббийлар ва ҳакамлар мактаби тингловчилари учун маърузаларда фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тайёргарлик даврининг турли босқичларида малакали футболчиларнинг машғулот юкламаларини оптималлаштириш бўйича ишлаб чиқилган назарий, методологик ва амалий таклифлар асосида:

тайёргарлик даврининг турли босқичларида юкламаларнинг (анаэроб-алактат - 20%; анаэроб-гликолитик - 10%; аралаш - 40%; аэроб - 30%) оптимал нисбатлари аниқланиб, юқори малакали футболчиларнинг ўқув-машғулотлари жараёнига татбиқ этилган (Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг 2017 йил 29 декабрдаги 01-07-08-4041-сонли маълумотномаси). Натижада юқори малакали футболчиларни тайёрлаш тартибининг яхшиланишига хизмат қилган;

муаллифлик методикаси юқори малакали футболчиларнинг умумий ва махсус жисмоний тайёргарлиги жараёнида қўлланилган (Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг 2017 йил 29 декабрдаги 01-07-08-4041-сонли маълумотномаси). Натижада футболчиларнинг умумий жисмоний тайёргарлиги даражаси 14,2% га, махсус жисмоний тайёргарлиги 11,7% га ўсишига имкон берган;

ишлаб чиқилган методика Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг “СКИФ” жамоаси ўқув-машғулотларида қўлланилган (Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг 2017 йил 29 декабрдаги 01-07-08-4041-сонли маълумотномаси). Натижада “СКИФ” жамоасининг “Универсиада-2016” мусобақаларида чемпион бўлишига хизмат қилган;

муаллифлик методикаси Олий лиганинг “Пахтакор”, “Бунёдкор”, “Олмалиқ” жамоалари, биринчи лиганинг “Локомотив БФК” ва иккинчи лиганинг “Оқ тепа” ҳамда “СКИФ” жамоалари машғулотларига жорий этилган (Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг 2017 йил 29 декабрдаги 01-07-08-4041-сонли маълумотномаси). Натижада юқори малакали футболчиларнинг ўқув-машғулотлар жараёни такомиллаштирилишига имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотнинг асосий ҳолатлари ва натижалари 3 та халқаро, 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 40 дан ортиқ илмий-услубий иш, шу жумладан 1 та ўқув қўлланма, 3 та ўқув-услубий қўлланма ва 4 та услубий тавсиялар, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларида 3 та мақола (2 та республика ва 1 та ҳориж давлатлари журналларида) ва 20 та тезис чоп этилган.

Диссертация ҳажми ва тузилиши. Диссертация иши кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертация ҳажми 145 бетни ташкил этиб, 23 та жадвал, 24 та расм, иловалар ва жорий этиш далолатномаларини ўз ичига олади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи ва муммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, уларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Адабиёт манбалари маълумотлари бўйича масаланинг ҳолати”** деб номланган бўлиб, спортчиларнинг йиллик циклида машғулот жараёнларини даврлаштириш муаммолари, футболчиларнинг тайёргарлик давридаги ўқув-машғулот юкламалари тизимларининг таснифи, тайёргарлик давридаги микроцикллар юкламалари динамикаси, уларни тайёрлашда ахборот таъминоти акс эттирилган.

Футболчилар тайёргарлик даври машғулот юкламаларининг тузилмавий тавсифлари бўлимида юқори малакали футболчилар тайёргарлик даври машғулот юкламаларининг тузилмаси цикллари ва давр босқичларидан келиб чиқиб вариантланиши исботланган.

Футболчилар тайёргарлик даври микроциклларида юкламалар динамикаси бўлимида ҳозирги кунда Ўзбекистон футбол жамоаларида тезкор-чидамлилик даражасининг мусобақа даврини самарали бошлаш учун етарли эмаслиги кўрсатилган. Бунинг сабаби - футболчилар ҳаракат фаолиятлари хусусиятларига тайёргарлик воситаларининг мос эмаслиги ва тезкор-чидамлилик сифатларини ривожлантиришга йўналтирилган катта жисмоний юкламалар ҳажмининг етарли даражада эмаслиги.

Малакали футболчиларни тайёрлашда ахборот таъминоти бўлимида ўқув-машғулот жараёнларини оптималлаштиришга эҳтимол ёрдам бериши мумкин бўлган футболчилар тайёргарлигида ахборот таъминоти зарурияти тўғрисида далиллар келтирилган, бу эса ўз навбатида, олдинда турган мусобақалар мақсадига бўйсунуши керак бўлган тайёргарлик турлари нисбатини самарали такомиллаштиришга имкон беради. Бундан ташқари, машғулот дастурлари ва режаларини тузишда мусобақаларда ва тестларда спортчиларнинг эришган натижаларини улар томонидан бажарилган юклама кўрсаткичлари билан мунтазам қиёслаш мақсадга мувофиқлиги исботланган. Айнан шу йўл билан ҳар бир спортчи ёки жамоа учун энг самарали машғулот воситаларини танлаш ва бу воситаларнинг машғулотларда, циклда, босқич ва даврдаги таъсир катталигини аниқлаш мумкин.

Умумий қилиб олганда, биринчи боб таҳлили қуйидагича ҳулоса қилишга имкон беради: футболчилар тайёргарлигининг йиллик цикли тузилмасида ҳал этилиши махсус ташкил этилган тадқиқотларда мақсадга мувофиқ амалга ошириладиган сифатли тайёргарлик даври зарур.


Диссертациянинг иккинчи боби “**Тадқиқотнинг вазифалари, услублари ва уни ташкил этиш**” деб номланган бўлиб, бобда тадқиқот ва педагогик тажрибани ташкил этиш масалалари ёритилган. Тадқиқотлар уч босқичда ўтказилди. Биринчи босқичда, 2013-2014 йилларда, махсус адабиёт манбаларини ўрганиб чиқиш, мақсад ва вазифаларни аниқлаш, машғулот жараёнларида юкламаларни назорат қилишнинг ахборотли кўрсаткичларини танлаш ва футболчилар тайёргарлигининг турли томонларини баҳолаш учун услуб ва тестларни аниқлаш амалга оширилди. 2015 йилги тадқиқотнинг иккинчи босқичи мақсади, 2016 йилда ўтказилган педагогик тажрибанинг асосий учинчи босқич дастурларини ишлаб чиқилишига асос бўлган тайёргарлик даври босқичларида амалиётда қўлланилаётган юкламалар самарадорлигини ўрганиб чиқиш ва баҳолаш ҳисобланади. Унинг мақсади, тайёргарлик даври босқичларида таклиф қилинган машғулот жараёнлари дастурининг самарадорлигини тажрибаларда текшириш ҳисобланади. Тажриба бошида жамоанинг барча футболчилари чуқурлаштирилган тиббий ва функционал ҳолатни баҳолаш бўйича текширувлардан ўтдилар.

Бутун тайёргарлик даври мобайнида мураббийлар қуйидагиларга риоя қилдилар: юкламалар ҳажми ва катталиги; махсуслаштирилганлиги ва уларнинг координацион мураккаблиги; биз таклиф қилган юкламалар йўналиши. Давр босқичларида юкламалар динамикаси, ҳос хафталик микроцикллар, машғулот юкламаларининг қўлланилиши диссертациянинг тўртинчи бобида батафсил баён этилган.

Диссертациянинг учинчи боби “**Тайёргарлик даврида машғулот юкламалари тузилмаси, футболчиларнинг жисмоний ва техник-тактик тайёргарлиги кўрсаткичларини тадқиқ этиш**” деб номланган бўлиб, тайёргарлик даврида машғулот юкламалари тузилмасини тадқиқ этиш, жисмоний тайёргарлик ҳолати, футболчиларни тайёрлаш жараёнида мусобақа фаолиятини текшириш натижалари акс эттирилган.


Тадқиқот давомида амалга оширилган ўлчашлар, ҳисоб-китоблар ва кузатувлар тажриба маълумотларини ва қуйида тақдим этилган асосий мазмун таҳлилинини олишга имкон берди.

1-расмда турли катталиқдаги юкламалар динамикасининг нисбатлари келтирилган. Бундан кўриниб турибдики, ўртача юкламалар анча кўп қўлланилади. Фоиз нисбати 50% дан 75% гача оралиғида тебранади. Агар катта юкламалар тўғрисида гапирадиган бўлсак, кўриниб турибдики, тортувчи микроциклларга нисбатан уларнинг миқдори умумий тайёргарлик ва махсус тайёргарлик босқичларида бирмунча ўсган. Агар биринчи микроциклларда (МЦ) унинг фоизи 15-20% га тенг бўлган бўлса, кейинги МЦда у 35-40% га етган. Нисбатан ўсишга қарамай, биз тайёргарлик даврида катта юкламаларнинг бундай нисбатини нотўғри деб ҳисоблаймиз.



1-расм. Тайёргарлик даврининг хафталик микроциклларида турли катталиқдаги юкламалар динамикаси нисбати

Махсуслаштирилган ва махсуслаштирилмаган юкламалар ҳажми динамикаси нисбати 2-расмда тақдим этилган. Расм таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу даврнинг барча босқичларида махсус юкламалар устунлик қилган. Агар махсус-тайёргарлик ва мусобақаолди босқичларида (9-12 ҲМЦ) махсуслаштирилган юкламаларнинг юқори фоизи (90-95%) ушбу босқич мақсади ва вазифаларини тўлиқ оқлаган бўлса, тортувчи микроцикллар (1-4 ҲМЦ) ва умумий тайёргарлик босқичида (5-8 ҲМЦ) бундай юкламаларнинг 75% дан 80% гача қўлланилиши бироз тушунарсиз.




2-расм. Тайёргарлик давридаги махсус ва номахсус юкламалар нисбатлари динамикаси

Биз тайёргарлик даврининг биринчи босқичида махсулаштирилмаган воситаларни катта ҳажмда қўллаш мақсадга мувофиқроқ бўлар эди деб ҳисоблаймиз, чунки номахсус машқлар билан эҳтимол турли жисмоний сифатларни такомиллаштиришга самарали таъсир кўрсатиш мумкин, чунки номахсус машғулотларда унинг вазифаларидан келиб чиқиб, юклама ўлчамларини анча аниқроқ бошқариш мумкин.

Тайёргарлик давридаги махсус ва номахсус юкламаларнинг йўналишига кўра нисбатлари динамикаси 3-расмда берилган.

Таҳлилнинг кўрсатишича, тайёргарлик даврида вақтнинг ярмидан кўпроқ қисмида, яъни бу 54% ни ташкил этади, аэроб-анаэроб хусусиятга эга машқлардан фойдаланилди. Бунда уларнинг умумий ҳажми босқичдан-босқичга ортиб борди ва махсус тайёргарлик босқичи охирига келиб энг катта ҳажмларга етди. Бундай ҳолат, чамаси, шунга боғлиқки, биринчидан, бу босқичларда асосан махсус воситалардан фойдаланилган бўлиб, бу ерда юкламаларнинг йўналишини бошқариш қийин; иккинчидан, махсус тайёргарлик босқичида назорат ўйинлари ва ўртоқлик учрашувлари кўпроқ ўтказилган. Бу ўйинлар эса, маълумки, асосан аэроб-анаэроб режимдаги юкламаларни бажариш билан боғлиқ бўлиб, футболчилар организмнинг функционал тизимларига аэроб-анаэроб таъсир кўрсатади.



3-расм. Юкламалар йўналишлари нисбатларининг динамикаси

Аэроб имкониятларни такомиллаштиришга йўналтирилган машқлар 29% ни ташкил этди. Уларнинг энг катта улуши тортувчи микроциклларда (1 ва 2 ҲМЦ) ва умумий тайёргарлик босқичи охирида (7 ва 8 ҲМЦ) кузатилади.

Анаэроб-алактат йўналишли юкламалар ҳажми жуда кам – 12%. Боз устига, тезкор-куч сифатларини ривожлантиришга йўналтирилган машқларнинг энг катта фоизи умумий тайёргарлик босқичи

микроциклларида (5, 7, 8 ХМЦ) қайд қилинган. Бундай машқларнинг энг кам фоизи 9, 10, 11 ХМЦларда аниқланди, яъни асосан дам олиш давомийлиги ва танаффусларни бошқариш қийин бўлган машқлар қўлланилган микроциклларда кузатилди.

Анаэроб-гликолитик имкониятларни такомиллаштиришга йўналтирилган машқларнинг ҳажми яна ҳам пастроқ, атиги 5%. Агар 1, 2 ва 3 микроциклларда тезкор чидамлик машқларининг умуман мавжуд эмаслигини тортувчи босқичнинг мақсад ва вазифалари билан тушунтириш мумкин бўлса, бундай машқларнинг мусобақаолди босқичида 11 ва 12 ХМЦларда йўқлигини тушуниш қийин.

Шундай қилиб, ушбу бўлимда ўтказилган таҳлиллардан шундай хулоса қилиш мумкин: тайёргарлик даври босқичлари микроциклларида машғулотларнинг миқдор кўрсаткичлари каби, вақт кўрсаткичлари бўйича ҳам юкламалар ҳажмининг кескин тебраниши кузатилаётган жамоага хосдир. Бундай ҳолат, ўз навбатида, юкламалар ҳажмининг тебраниши енгиллаштирувчи микроциклларга ёки тайёргарлик даврининг янги вазифаларини ҳал этиш учун ўтишга мос келиши керак бўлган юкламаларнинг назарий динамикасини акс эттирмайди.

Давр микроциклларида ўртача юкламаларнинг ўта кўплиги, шунингдек, катта юкламаларнинг аҳамиятсиз ошишини биз тайёргарлик даврини режалаштиришда салбий ҳодиса деб ҳисоблаймиз.

Махсушлаштирилган машқлар динамикасида яққол ифодаланган даврийлик мақсадга мувофиқ. Махсушлаштирилганлик коэффициенти билан мунтазам ўсиб боровчи учта-тўртта микроциклдан сўнг битта микроциклда махсушлаштирилмаган машқларни кўпайтириш мумкин.

Даврда махсус юкламаларнинг қўлланилишига нисбатан қуйидагиларни эътироф этишимиз мумкин: мураккаб махсушлаштирилган юкламаларнинг мунтазам ўсиш динамикаси замирида мураккаблик коэффицентининг даврий ўзгариш эҳтимоли мавжуд. Мураккаб машқларни мунтазам орттириш билан борадиган учта микроциклдан сўнг айнан содда машқлар қўлланадиган битта микроциклни киритиш мумкин.

Футболчиларнинг жисмоний тайёргарлик даражаси босқичли назорат давомида баҳоланди. Тестлаш тайёргарлик даврида декабрь, январь ва февраль ойларида амалга оширилди. Тайёргарлик даврининг алоҳида босқичларида футболчилар организмнинг функционал ҳолати назорати тайёргарлик динамикасини баҳолаш учун ҳам, машғулотларда қўлланиладиган восита ва услубларнинг тўғрилигини аниқлаш учун ҳам жуда зарур бўлди.

Тайёргарлик даврининг умумий тайёргарлик босқичида олинган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, тайёргарлик жараёнида ўн битта тестдан фақат учтасида ишончли фарқланиш жойдан 10 метрга югуришда ($t=2,4$ $p<0,05$ да), жойдан икки оёқда депсиниб юқорига сакрашда ($t=2,2$ $p<0,05$ да), шунингдек, 3000 м га югуришда ($t=2,2$ $p<0,05$ да) кузатилди. Кўриниб турибдики, старт тезлиги, сакровчанлик ва умумий чидамликни

баҳолаш учун тестларда фарқлар кузатилади. Назарий тасаввурларга мувофиқ, умумий тайёргарлик босқичи вазифалари футболчиларнинг аэроб имкониятларини ошириш ҳисобланади ва умумий чидамлик кўрсаткичи ҳисобланган 3000 м га югуриш тестидаги яхшиланиш тўла ўзини оқлайди. Бу аэроб имкониятларни оширишга йўналтирилган умумий тайёргарлик босқичи тортувчи микроциклларининг катта улуши яққол кузатилган юқорида баён этилган бўлим таҳлили натижаларига ҳам мос келади.

Бир вақтнинг ўзида тезкор чидамликни баҳолайдиган бошқа тестда – 1000 м га югуришда ишончли фарқланиш мавжуд эмас ($t=1,3$ $p>0,05$ да). Бизнингча, бу мазкур тестнинг иш жараёнида спортчи организмни қувват билан таъминловчи физиологик механизмларга ва бундай тест натижаларини ошириш учун ҳам анча юқори талаб қўйиши билан боғлиқдир. Тайёргарлик жараёнларида юқори юкламалар билан етарли ҳажмда машғулотлар ўтказиш зарур. Бироқ, олдинги бўлим маълумотларининг далолат беришича (1-расм), микроциклларда катта юклама билан 1, 2, 3 машғулотлар жуда кам қўлланилган ва фақат 15-20% ни ташкил қилган ҳолос. Жойдан 10 м. масофага югуриш натижаларининг ишончли яхшиланиши, эҳтимол, ушбу босқич машғулот жараёнларида (2-расм) старт тезкорлигини ривожлантиришга ёрдам берадиган футболчиларга қисқа масофага жадал югуриш ва тезланишни бажариш зарур бўлган турли ўйин квадратларида ва чегараланган майдончаларда икки томонлама ўйинларни қўллаш билан махсуслаштирилган машқларни катта ҳажмда қўлланилиши билан тушунтириш мумкин. Юқорига сакрашга келсак, шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, бу ерда машғулотнинг тайёрлов қисмларида сакраш тавсифидаги машқлар ҳамда турли кўринишдаги юклар билан бажариладиган ўтириб-туришларнинг қўлланилиши таъсир кўрсатган.

Қолган барча тестларда, айниқса 30 м. ва 50 м. масофаларга югуришда ишончли фарқланиш йўқлигини салбий далил ва машғулот жараёнининг нотўғри тузилганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Махсус тайёргарлик босқичида жисмоний тайёргарлик динамикасининг таҳлили барча тестларда натижалар яхшиланганлигини кўрсатди. Бироқ бу ерда барча тестларда ҳам ишончли фарқланиш кузатилмади. Масалан, барча югуриш тестларида ишончли фарқлар йўқ. Бу ерда Стьюдент t -мезони $p>0,05$ да 1,4 дан 1,9 гача тебранади. Сакраш вазифаларида яна ҳам паст фарқланиш. Юқорига сакрашда $p>0,05$ да $t=1,4$; беш карра сакрашда эса янада паст – $t=1,1$ $p>0,05$ билан ифодаланди.

Бундай ҳолат, чамаси, тасодифан пайдо бўлмаган, чунки олдинги бўлим (3-расм) таҳлилларида яққол кўриниб турибдики, анаэроб-алактат йўналишли воситалар ҳажми жуда кам, атиги 12% ташкил этди. Боз устига, бундай машқларнинг энг кичик фоизи махсус тайёргарлик босқичининг 9, 10, 11 микроциклларига тўғри келади. Айни пайтда бу микроциклларда дам олиш давомийлиги ва оралиғини бошқаришга қодир махсус машқлар улуши юқори.

Фарқланишнинг энг паст кўрсаткичи 7x50 м га моқисимон югуришда - махсус чидамлилиқ тестида кўринди ($t=1,0$ $p>0,05$ да) ва буни биз қонуна деб ҳисоблаймиз, чунки тайёргарлик даврида анаэроб-гликолитик имкониятларни такомиллаштиришга йўналтирилган машқлар атиги 5% ни ташкил қилган ва бундай машқлар махсус тайёргарлик босқичининг 11 ва 12 микроциклларида умуман қўлланилмаган.

Тезкор-куч сифатларини баҳолаш учун махсус тестда – узоқ масофага зарба беришда $t=1,1$ га тенг ($p>0,05$), фарқлар ишончли эмас. Бироқ умумий тайёргарлик босқичи билан таққослаганда натижаларда ўсиш кузатилди. Бунинг асосий сабаби, бу босқичда техник-тактик машқларнинг кўп миқдорда қўлланилганлигидир. Бироқ натижаларни аҳамиятли даражада яхшилаш учун узоқ масофага тўп узатишлар ва дарвозага зарбалар йўллашни бажариш зарур бўлган махсус машқлар қўлланиладиган тайёргарлик микроциклларининг махсус вазифалари мақсадига мувофиқдир.

1-жадвал.

Тайёргарлик даврида футболчиларнинг жисмоний тайёргарлиги динамикаси (n=22)

№	Текширув босқичлари	Умумий тайёргарлик босқичи боши		Махсус тайёргарлик босқичи охири		Стьудент t-мезони	Фарқлар
	Стат.кўрсаткичлар Тестлар	$\bar{x} \pm \sigma$	V (%)	$\bar{x} \pm \sigma$	V (%)		
1.	Жойдан 10 м га югуриш (сек)	1,90±0,08	4,2	1,80±0,08	4,3	2,7	P<0,05
2.	Жойдан 15 м га югуриш (сек)	2,51±0,08	3,1	2,46±0,05	1,9	1,2	P>0,05
3.	Юришда 15 м га югуриш (сек)	2,08±0,05	2,2	2,03±0,05	2,3	1,8	P>0,05
4.	Жойдан 30 м га югуриш (сек)	4,35±0,08	1,8	4,32±0,06	1,4	0,8	P>0,05
5.	Жойдан 50 м га югуриш (сек)	6,66±0,09	1,3	6,60±0,07	1,08	1,8	P>0,05
6.	Юқорига сакраш (см)	43,6±3,35	7,7	47,7±2,7	5,7	2,5	P<0,05
7.	Беш карра сакраш (м)	12,6±0,5	4,3	13,0±0,43	3,3	1,4	P>0,05
8.	7x50 м га моқисимон югуриш (сек)	65,0±2,38	3,7	64,3±1,6	2,5	0,7	P>0,05
9.	1000 м га югуриш (мин)	3,42±0,08	2,4	3,24±0,06	1,8	2,2	P<0,05
10.	3000 м га югуриш (мин)	11,5±0,31	2,7	10,4±0,33	3,1	2,6	P<0,05
11.	Узоқ масофага зарба бериш (м)	52,6±4,09	7,8	54,2±3,21	5,9	1,0	P>0,05

1-жадвалда бутун тайёргарлик даври учун футболчиларнинг жисмоний тайёргарлиги динамикаси тақдим этилган. Жадвалдан кўришиб турибдики,

аксарият тестларда фарқланиш ишончли эмас. Жойдан 10 м га югуриш, жойдан иккала оёқда депсиниб юқорига сакраш, тезкор ва умумий чидамлилик тестлари – 1000 м га ва 3000 м га югуришда ишончли фарқланиш қайд қилинди. Умумий тайёргарлик босқичида бу тестларда ўзлаштирилган даража бутун давр давомида ўзгармади.

Олинган натижаларининг ахборотли ва ишончилиги юқори малакали футболчиларни тадқиқ этишда аниқланган 7x50 м га моксимон югуриш каби махсус чидамлиликни баҳолашда қўлланадиган муҳим тестда ҳам ишончли фарқларнинг мавжуд эмаслиги тадқиқотда аниқланди.

Ўтказилган педагогик кузатув натижасига кўра шундай хулосага келиш мумкин: тезкорлик сифатларини баҳолаш учун айрим тестларда (жойдан 10 м га югуриш ва юқорига сакрашларда) ҳамда тезкор ва умумий чидамлиликни баҳолайдиган иккита тестда кўрсаткичлар ўсиши кузатилди. Бу югуриш тавсифига эга қисқа масофага югуриш ва сакраш машқларининг катта ҳажми ҳисобига амалга ошди. Тезкор ва умумий чидамлилик кўрсаткичлари, маълумки, аралаш хусусиятга эга махсус машқлар ҳисобига яхшиланди.

Бироқ анаэроб-гликолитик йўналишли махсус воситаларнинг жуда кам ҳажмда қўлланилиши билан боғлиқ махсус чидамлилик кўрсаткичларида ўсиш кузатилмади.

Тайёргарлик даврининг тайёрлаш жараёнларида футболчиларнинг техник-тактик фаолиятларини тадқиқ қилиш. Тадқиқотларда биз тайёргарлик даври мобайнида ўтказилган ўйинларда ва биринчи мусобақа даври ўйинларида футболчиларнинг жисмоний тайёргарлиги динамикаси билан ТТХ кўрсаткичлари орасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлаш мақсадини илгари сурдик.

Тайёргарлик даврида футболчиларнинг ТТХ кўрсаткичлари динамикаси 2-жадвалда тадқиқ этилган. Кўриниб турибдики, 20 та кўрсаткичдан фақат 7 тасида ишончли фарқланиш кузатилди: қисқа ва ўрта масофаларга тўп узатишлар сони ҳамда самарадорлигида – $t=2,4$, $p<0,05$; тўпни олиб юриш ва олиб қўйишда – шунга мувофиқ $t=2,3$ ва $2,4$, $p<0,05$; тўпни қабул қилиш сони ва самарадорлиги – $t=2,3$, $p<0,05$ билан ифодаланди.

Кўриниб турибдики, асосан координация жиҳатидан оддий техник-тактик ҳаракатларда ва футболчилар тезкорлиги ҳамда функционал имкониятларига талаб қўймайдиган ҳаракатларда ишончли фарқланиш мавжуд. Тўпни олиб қўйиш сонига келсак, таъкидлаб ўтиш жоизки, жамоалар етарлича жисмоний тайёргарликка эга бўлмай туриб, ҳужумда ўйнай олмаганлар ҳамда ҳимояланиш ва тез-тез тўпни олиб қўйишда иштирок этишга мажбур бўлганлар. Бироқ тўпни олиб қўйиш ва тўпни тутиб қолиш кўрсаткичларида ишончли фарқланиш мавжуд эмас, чунки тўпни олиб қўйиш учун ўйин катта кучланишни ва тезкорлик сифатлари намоён бўлишини талаб қилади. Айнан шундай ҳолат ҳаракатларнинг умумий сони ва уларнинг самарадорлик кўрсаткичларини қиёслашда кузатилади.

**Тайёргарлик даврида футболчиларнинг ТТХ лари кўрсаткичлари
динамикаси**

№	Текшириш даврлари	Январь-март				Стъюдент t-мезони	Фарқлар
	Стат.кўрсаткичлар ТТХ	$\bar{x} \pm \sigma$	V (%)	$\bar{x} \pm \sigma$	V (%)		
1.	Қисқа ва ўрта масофага тўп оширишлар сони	158±14,2	8,9	203±17,1	8,4	2,4	p<0,05
2.	Қисқа ва ўрта масофага тўп оширишлар самарадорлиги	0,65±0,02	2,66	0,77±0,05	5,86	2,4	p<0,05
3.	Узоқ масофага тўп узатишлар сони	48±3,4	7,0	58±4,4	7,5	1,7	p>0,05
4.	Узоқ масофага тўп узатишлар самарадорлиги	0,57±0,06	9,91	0,62±0,06	9,58	0,6	p>0,05
5.	Тўп олиб юришлар сони	37±5,5	14,8	48±4,4	9,2	2,3	p<0,05
6.	Тўп олиб юришлар самарадорлиги	0,60±0,04	7,41	0,67±0,01	1,68	1,8	p>0,05
7.	Тўпни олиб қўйиш сони	50±4,0	8,0	59±3,8	6,5	2,4	p<0,05
8.	Тўпни олиб қўйиш самарадорлиги	0,56±0,04	7,3	0,61±0,06	9,74	1,3	p>0,05
9.	Тўпни тутиб қолишлар сони	40±3,9	9,7	49±4,6	9,3	1,4	p>0,05
10.	Тўпни тутиб қолишлар самарадорлиги	0,52±0,07	14,0	0,59±0,05	8,54	0,5	p>0,05
11.	Тўпни қабул қилиб олиш сони	108±14,3	13,1	160±21,5	13,4	2,3	p<0,05
12.	Тўпни қабул қилиб олиш самарадорлиги	0,71±0,06	8,66	0,87±0,02	2,77	2,3	p<0,05
13.	Алдаб ўтишлар сони	41±5,7	13,7	48±2,2	4,5	1,6	p>0,05
14.	Алдаб ўтишлар самарадорлиги	0,52±0,03	5,25	0,62±0,05	8,42	1,4	p>0,05
15.	Бош билан зарбалар сони	42±3,6	8,6	50±5,8	11,5	1,2	p>0,05
16.	Бош билан зарбалар самарадорлиги	0,56±0,08	14,3	0,59±0,08	13,3	0,3	p>0,05
17.	Дарвозага зарбалар йўллаш сони	11±3,5	29,6	16±2,5	16,0	1,1	p>0,05
18.	Дарвозага зарбалар йўллаш самарадорлиги	0,50±0,04	8,38	0,59±0,04	6,80	1,9	p>0,05
19.	Умумий ҳаракатлар сони	538±20	3,7	693±36,0	5,2	4,4	p<0,05
20.	Барча ТТХлар самарадорлиги	0,61±0,02	2,8	0,67±0,03	3,9	1,9	p>0,05

Айни пайтда жисмоний кучланишларни максимал даражада намоён этишни талаб қиладиган кўпгина ўйин ҳаракатларида ишончли фарқланиш йўқ. Масалан, узоқ масофага тўп узатишлар сонидан ($t=1,7$ $p>0,05$) ишончли фарқлар кузатилмади, унинг самарадорлиги эса яна ҳам пастроқ – $t=0,6$, $p>0,05$. Узоқ масофага тўп узатишлар қўлланадиган ўйинлар футболчиларнинг доимий ҳаракатланишини, ўйин майдонида узунасига ва кўндаланг ҳаракатларни, ҳар томонга 30-60 метрга жадал югуришлар ва тезланишларни талаб қилади.

Дарвозага зарбалар сони кўрсаткичлари ва айниқса, уларнинг самарадорлиги юқорида баён этилган асосий техник-тактик ҳаракатларни самарали амалга оширишда жамоадаги барча футболчиларнинг интилиши натижаси ҳисобланади ва бу усулларда фарқланишнинг ишочсизлиги ($t=1,1$ ва $1,9$, $p>0,05$) кузатилди.

Демак қуйидагича хулоса қилиш мумкин: тайёргарлик даврининг ўқув-машғулот жараёнида алактат ва гликолитик йўналишли машқлар сонининг камлиги футболчиларнинг махсус чидамкорлигини оширишга ёрдам бермади, оқибатда асосий техник-тактик ҳаракатлар сони ва самарадорлиги яхшиланмади.

Диссертациянинг тўртинчи боби **“Малакали футболчилар тайёргарлик даври босқичларида машғулот жараёнини тузишнинг оптимал вариантларини тажрибаларда асослаш”** деб номланган бўлиб, тайёргарлик даврини тузиш тавсифи ва юкламалар тузилмасини асослаш, тайёргарлик даврининг турли босқичларида ҳафталик микроцикллар мазмуни, футболчилар тайёргарлигининг турли томонларини такомиллаштиришга йўналтирилган машғулот воситалари танлови ва тажриба жараёнларида футболчиларнинг ҳаракат фаолияти, жисмоний ва техник-тактик тайёргарлик динамикаси баён этилган.


Олдинги бўлимларнинг юқорида баён этилган натижаларига кўра тажрибаларда асосан қуйидаги вазифалар ҳал этилди:

- малакали футболчиларнинг тайёргарлик даврида таклиф қилинган юклама параметрлари нисбатининг тўғрилигини тажрибада текшириш;
- тайёргарлик даврида футболчилар тайёргарлигининг турли томонларини такомиллаштиришга йўналтирилган машғулот машқлари самарадорлигини аниқлаш.

Айнан шунинг учун тортувчи ва умумий тайёргарлик босқичларида махсуслаштирилган юкламалар фоизи камайтирилди ва махсуслаштирилмаган машқлар фоизи кўпайтирилди. Бу махсуслаштирилмаган машқларда юкламалар йўналишига самарали таъсир этиш имконияти мавжудлиги билан боғлиқ. Махсус юкламаларнинг координацион мураккаблигига келадиган бўлсак, у олдинги мавсумдан фарқли ўлароқ мунтазам ўсиб борди ва махсус тайёргарлик босқичи охирига келиб ўзининг юқори нуқтасига етди. Бажарилган юкламалар назорати ва таҳлили дастлабки тажрибадаги каби ўша схема бўйича амалга оширилди.

4-расмда таклиф қилинган турли катталиқдаги юкламалар динамикаси нисбати келтирилган. Демак, биринчи ва иккинчи микроциклларда катта юкламали машғулотлар фоизи фақат 10-15% ни ташкил этади. Кейин у циклдан-циклга аста-секин ошиб боради ва умумий тайёргарлик босқичи якунида максимал даражага (40%) этади. 35-40% катта юкламаларнинг анчагина юқори даражаси 5-10 микроцикллар давомида барқарор сақланиб туради. Мусобақа даврига яқинлашиб катта юкламалар камаяди (11- ва 12-микроцикллар). Умуман, бутун давр ичида катта юкламалар улуши тахминан бир хил, биринчи вариантда – 28,3%, иккинчи вариантда – 29,1% ни ташкил

этди. Бироқ таклиф этилган вариантда 6-микроциклда эришилган максимал юкламаларнинг юқори фоизи 10-микроциклгача сақланиб қолади. Бу, гарчи спорт машғулотлари назарияси асосларига кўра оқилона тайёргарлик катта, ўрта ва кичик юкламаларнинг бир меъёрадаги уйғунлигидан иборат экани маълумлигига қарамай, шундай. Аммо ушбу ҳолатда биз айнан тайёргарлик даврида чидамлилиқнинг ҳар ҳил турларини такомиллаштиришда тўлиқ бўлмаган тикланиш асосида машғулотлар ўтказишнинг мақсадга мувофиқлигидан келиб чиқдик.




4-расм. Тажиба жараёнида тайёргарлик даврининг ҳафталик микроциклда турли катталиқдаги юкламалар нисбати динамикаси

Ўртача машғулот юкламалари улуши бирмунча камаяди ва бутун давр мобайнида 30 дан 50% гача атрофида тебранади. Кичик юклама билан машғулотлар давр бошида тортувчи циклда ва тақвимдаги биринчи ўйинлар олдида давр охирида қўлланилади.


5-расмда махсус ва номахсус юкламаларнинг таклиф қилинган динамикаси тақдим этилган. Ундан кўришиб турибдики, номахсус машқларнинг энг катта ҳажми бутун давр мобайнида қўлланилган. Бироқ унинг ҳажми босқичдан-босқичга камайиб борган. Агар биринчи микроциклда у 60% ни ташкил қилган бўлса, 5-ХМЦда 40% ни, давр охирида эса 20-25% ни ташкил этади.

Мувофиқ равишда, махсус машқларнинг ҳажми циклдан-циклга ўсиб боради ва давр охирига келиб 80% гача етади. Бу ерда ҳам махсуслаштирилган машқлар динамикасида яққол ифодаланган даврийликни кўриш мумкин, яъни мураккаблик коэффицентини мунтазам қийинлаштириш билан учта-тўртта микроцикллардан кейин махсуслаштирилмаган машқлар билан битта микроцикл ўтказилади. Бундай ёндашувни биз мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.



5-расм. Тажриба жараёнида тайёргарлик даврининг махсулаштирилган ва махсулаштирилмаган юкламалари нисбати динамикаси

6-расмда йўналиши бўйича таклиф қилинган юкламалар нисбати кўрсатилган. Ушбу дастур олдинги вариантдан шу билан фарқ қиладики, унда аввало анаэроб-алактат йўналиш фоизи 12% дан 20% гача ва анаэроб-гликолитик йўналиш фоизи асосан аралаш йўналиш ҳисобига 5% дан 10% гача кўпайтирилган. Айнан тезкор-куч сифатларининг ривожланиши махсус тайёргарлик босқичида содир бўлди (25% дан 30% гача). Махсус тайёргарлик босқичи якунига келиб, махсус чидамлик машқларининг фоизи кўпайди.



6-расм. Тажриба жараёнида юкламалар йўналишининг нисбати динамикаси

